

---

## Қорақум маҳалласида спорт мусобоқалари ўтказилди

Бугун тумандаги Қорақум маҳалла фуқаролар йиғинида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 31 йиллиги байрами арафасида “Конституция ҳафталиги”га старт берилди.

Ҳафталик доирасида ҳудуддаги ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида спортнинг валейбол, футбол, шахмат ва шашка спорт турлари бўйича мусобоқалар ўтказилди.

Спорт мусобоқалари доирасида қувалик спорт бўйича Ўзбекистон, Жаҳон ва Осиё чемпиони Мирализ Мирзаҳалилов, Осиё чемпиони Зилолаҳон Юсупова ҳамда 30 нафардан ортиқ Ўзбекистон чемпионлари билан учрашув ўтказилди.

Ўтказилган мусобоқаларда ғолибликни қўлга киритган жамоалар ва фаол иштирокчилар туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

2023-12-02 10:41:16